

УДК: 8-1-9+8(091)

## АЛИШЕР НАВОИЙ ФЕНОМЕНИ ВА ЖАДИД АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

Э.Насруллаев

### Аннотация

Мақолада Алишер Навоий ижодини ўзлариға намуна деб билган жадидларнинг буюк қалам соҳиби даҳосига бўлган чексиз эҳтироми ҳақида сўз юритилади.

### Аннотация

В данной статье описывается безгранична любовь джадидов к гению Алишера Навои, считавших творчество великого поэта образцом для подражания.

### Annotation

In this article unlimited love of djadids to the great poet A.Navoi, whose creative work they consider as a model to imitate, is described.

**Таянч сўз ва иборалар:** жадид, миллӣ уйғониш, Чигатой гурунги, Афросиёб, рисола, адабиёт қоидалари, туюқ, рамал баҳри.

**Ключевые слова и выражения:** джадид, национальное возрождение, Чигатайские беседы, Афросиаб, зарисовка, приемы литературы, туюқ.

**Keywords and expressions:** djadid, national Renaissance, Chigatoy lively conversation, Afrosiyab, brochure, literature, process, bahr of ramal.

XIX аср охири – XX аср бошларида матбуот ва ноширлик ишларининг ривожи ўзбек танқидчилиги, адабиётшунослиги учун янги имкониятларни вужудга келтириди. Айниқса, адабий танқидда уйғониш рўй берди – ҳаракатдаги адабий жараённи, ёзувчи ижодини, адабий муаммоларни даврнинг маънавий ва эстетик талаблари, омманинг руҳий эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўрганиш, адабиёт тараққиётидаги, ижодкор маҳоратидаги янгиликларни кашф этиш, камчиликларни баҳоли қудрат кўрсатиш бошланди. Ҳожи Муин, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Беҳбудий, Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Вадуд Маҳмудларнинг мақолаларида сўз санъати олдида турган мұхим ижтимоий вазифаларга ургу берилди, адабиёт ривожини миллат, Ватан, истиқтол, мустақил юрт учун курашувчи янги инсонни тарбиялаш масалалари билан боғлашга ҳаракат қилинди. Чўлпоннинг "Адабиёт надур?" (1914) мақоласида ўртага ташланган "Адабиёт яшаса – миллат яшар", деган ғоя миллӣ уйғониш учун ҳам даъват бўлди.

XX аср бошларида тарих саҳнасига чиқкан жадид маърифатпарварлари ўз олдиларига ўзбек халқининг бой адабий-маданий мероснин тўплаш, саклаш, ўрганиш ва нашр этиш вазифасини қўйдилар. 1919 йилда Фитрат ташаббуси билан тузилган «Чигатой гурунги» жамияти шу тарихий вазифани бажариш мақсадида адабий-музиқий кечаларни ташкил этди, ўзбек тилининг соғлиғи учун курашди, хусусий кутубхоналарда сакланаётган

ноёб қўлёзмаларни бир мўътабар марказга жамлаб, шу йўл билан уни сақлаб қолишига жонжахд билан киришди.

XX асрнинг 20-йиллари ўрталаригача адабиётшунослик, асосан, адабий танқид доирасида фаолият кўрсатди. Шу пайтлардан эътиборан шуро ҳукумати уни ўз йўриғига sola бошлади. Ижод маҳсулини баҳолашда мафкура, ўткинчи сиёsat бош мезонга айланди. Адабиёт ва адабиётшунослиқдан бир ёқлама, яъни, марксча-ленинча дунёқараш билан куролланиш, воқелик ва унинг бадиий инъикоси бўлмиш санъатга фақат синфиқи кураш, шўролар мафкураси нұқтаи назаридан туриб ёндашиш талаб қилинди. Буларга қўшимча, мумтоз адабий меросдан воз кечиши тамойили ҳукм сурди. Яссавий, Бобур, Машраб, Ҳофиз, Румий, Ҳувайдо сингари шоирлар қаторида ҳазрат Алишер Навоий яратган маънавий мулк ҳам ўқувчига кераксиз, ҳатто зиёнли, деб эълон қилинди. Абдурауф Фитрат, Отажон Ҳошим каби адабиётшунослар бундай қарашларга қарши чиқиб, маданий меросни ҳимоя қилишга уриндилар.

Ўтган асрнинг 20-йилларида авж олган ўтмиш маданиятига нигилистларча муносабатда бўлиш тенденциялари соғлом фикрловчи зиёлиларни чукур ташвишга соглан. Чунки жадидчиликнинг илғор ғоялари таъсирида тарбияланган кўплаб зиёлиларимиз миллатнинг ўзини таниши, ўзлигини англашида ўтмишнинг нечоғли мұхим омил эканлигини билгандар.

Адабиётшунос олим X.Болтабоевнинг қайд этишича, жадидчиликнинг маънавий илдизларидан бири сифатида «жадид

Э.Ж.Насруллаев – ЖизДПИ камтта ўқитувчиси.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

маданияти маънавий ҳаётда темурийлар даври адабиётининг чўққиси саналган Алишер Навоий ижодини ўзларига намуна билиб, ўзига сингдириш орқали янги адабиётни юксалтиришга йўл топди. Жадидчилар назарида, Алишер Навоий даҳоси ва ундан кейин яратилган маънавий хазинани «ўзлаштирмасдан туриб» янги адабиёт яратиш, унинг жаҳон адабиётлари сирасига кўтарилиши мумкин эмас», деб қабул қилинди. Шунинг учун ҳам «Чигатой гурунги» ва бошқа маданий-илмий муассасаларда дастлаб Навоий даври адабиёти, тили, илми ҳамда маданиятини ўрганишга чақириқ сезилади[1.68]. Шу сабабли жаҳон адабиётида янги саҳифа яратган Навоий қалами жадидчилар учун замон тимсолига айланди.

Жадидчилар бадиий адабиётда Навоий даражасида асар ёзишга чоғланганлари учун жаҳон адабиётининг намуналарини пухта ёгаллашга чақирдилар.

Ўзбек жадид адабиётининг етук намояндаларидан бири, ўзбек ва тоҷик ҳалқларининг адабий-маданий меросидаги муштаракликни, ўзбек адабиётининг манбаларини аниқлаб, тарихий тараққиётини ёритган, адабий оқимлар, мактаблар ҳамда уларнинг вакилларини ўрганганд, ўз даврида шуҳрати оламга ёйилиб, замонлар ўтиши билан тарих қатларида унутилиб қолган ўнлаб шоирларнинг меросини излаб топиб, қайта кашф этган, Афросиёб – Алп Эр Тўнга марсиясидан Яссавийгача, Юсуф Хос Ҳожибдан Турди, Машраб, Умархонгача, замондошлари Элбек ва Чўлпонгача ёзган асарлари, илмий тадқиқотлари билан янги ўзбек адабиётшунослиги илмининг тамал тошини кўйган серқира ижодкор ва олим Абдурауф Фитрат саналади. Унинг «Адабиёт қоидалари» (1926) ва сўнгроқ ёзган «Аруз ҳақида» (1936) китоблари билан буюк Навоий юксак босқичга олиб чиқсан ўзбек адабий эстетик тафаккурини янги давр тушунчалари билан бойитди, давом эттириди ва адабиёт назарияси бўйича ҳам замонасининг етакчи мутахассиси сифатида эътибор ва эътироф қозонди.

Мусулмон иштирокион фирмасининг ўлка бюроси хузуридаги нашриёт шуъбаси 1919 йили «Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри» деган рисола нашр этади. Адабиётшунос Ҳамидулла Болтабоев бу рисоланинг муаллифини аниқлаш бўйича тадқиқот олиб бориб, бу рисолани нафақат нашрга тайёрлаган, балки уни ёзган зот Абдурауф Фитрат, деган ҳақли даъвони илгари суради ва буни исботлаш учун қуидаги рад қилиб бўлмас далилларни келтиради:

«Рисоладаги айрим мулоҳазалар билан

Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари», «Мухтасар ислом тарихи», «Аҳмад Яссавий» мақолаларида айтилган фикрлар мантиқан ўзаро яқин бўлиб, айрим ҳолларда бири иккинчисининг давомидек тасаввур беради.

Рисола таркибида келтирилиб, шарҳ қилинган назм парчалари, асосан, Навоийнинг «Ҳайрат ул-абброр» асаридан олингандир. Асардаги парчалар Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари», 1-жилдида келтирилган, Навоийнинг айни асарларидан олинган парчалар билан бир хилдир.

Фитрат илмий асарларида кўринган услубнинг қатор жиҳатлари муаллифи кўрсатилмаган рисоладаги услуб билан ўзаро яқин бўлиб, улардаги далиллаш усули, фикрни холосалаш тартиби ва асарлардаги тил жиҳатларини ўрганганда ҳам шундай холоса қилиш мумкин» [1.154-155].

Профессор Бегали Қосимовнинг «Абдурауф Фитрат» мақоласида бу рисоланинг муаллифи сифатида узил-кесил Фитрат келтирилади [2].

Рисолада Навоийнинг «Ҳайрат ул-абброр» достонининг «Салотин бобида» («Султонлар ҳақида») деган қисмидан бир парча берилган бўлиб, муаллифнинг ёзишича, «мусулмон дунёсининг бошига қора кунлар тушганлигига сабаб, золим подшоҳлар ва уларни ёлғондан мақтовчи шоирлар ва дин сотувчи эшонлар, уламолардир», «зулм ва имон бирга яшай олмайди», «асл мусулмонлик бечораларнинг кўнглини овлашдан, оч-ялангочларга моддий ёрдам беришдан, одилликдан иборатдир»; «мусулмонлиқда подшоҳлик, шайхлик, беклик деган имтиёзли мансаб ва мартабалар бўлмаган»; «бошлиқлар ҳалқ ҳоҳиши билан лавозимга кўтарилган...» Ўша серкулфат замонларда «ҳақ ва ҳақиқат тарафдори бўлган кишилар йўқ эмасдилар. Улар қоронғу булатли кечаларда чақсан чақмоқлар каби» эдилар; «мана шулардан бири Алишер Навоий ҳазратлариридир» [3.130].

Академик Н.Каримов «Ўзбекистонда навоийшунослик фанининг шаклланиши» номли мақоласида қайд этишича, «Чигатой гурунги» жамияти фаолияти бошланган ва шу рисола чоп этилган вақтдан бошлаб адабий меросга муносабат кескин ўзгаради. «Қизил байроқ» газетасининг 1921 йил, 20 май сонида берилган ахборотдан маълум бўлишича, шу йили тузилган Ўзбек билим ҳайъатининг топшириғига кўра, бир гуруҳ олимлар «Навоий, Лутфий, Бойқаро ва бошқа ўзбек шоирларининг шеърларидан бириккан мажмуани тузиш» бўйича иш бошлаганлар. Фитратнинг ўзи шу йилларда Бўлат Солиев билан Бухорога бориб,

шу ердаги учта машхур кутубхонанинг китоб фондини ўрганади ва шу кутубхоналардаги ноёб китобларни рўйхатга олади. Муҳаммад Сиддиқон кутубхонасида 400 бетли «Ҳалли луғати ал-Навоийа» луғати, шунингдек, Навоийнинг «Ихлосия» ва «Тарихи мулуки Ажам» асарлари борлигини аниқлайди [4.5].

Ҳазрат Навоий яшаган даврнинг нуктадон мунаққидларидан бири Зайниддин Восифийнинг нақл қилишича, ҳазрат Мир Алишер Навоий «шеършуносликни шоирликдан ҳам улуғ сифат», деб қадрлаган эканлар[5.126]. Адабиётшунос учун юксак фасоҳат билан бирга ўзи тагига етган соғлом мантиқни оммага тушунтиришда гўзал тил ва бетакрор услугуб ҳам зарурлигини профессор Фитрат ўзининг «Адабиёт қоидалари» рисоласида далиллай олади. Ўз замонасида бу асарга тақриз ёзган шоир, адабиётшунос Ойбек Фитратдаги ўша салоҳиятни нозик илғайди: «...китобнинг яна бир хусусияти адабиётшунос Фитратнинг жозиб, гўзал услугубидир» [6.40].

Ўз даврида мактаб ўқувчилари учун гўзал қўлланма сифатида эътироф этилган «Адабиёт қоидалари» асарида муаллиф Навоий феноменига бот-бот мурожаат этади, жумладан, услугуб ҳақида мулоҳазаларини баён қилар экан, «... Алишер Навоий ўзининг «Мажолис» деган китобида баъзи шоирларнинг таржимайи ҳолини ёзганда «туркона ёзадир», «туркона шеърлари бор», деб кўрсатадурким, бу «турк услугубида ёзадир» демакдан бошқа нарса эмас» [7.27] лигини қайд этади.

Ҳазрат Навоийнинг «Махбуб ул-қулуб» асари ва «Саҳар ховар шаҳи узра...» матлаъли ғазалини таҳтил қилар экан, «Навоийнинг услуби тизим(наср)да ҳашаматли оҳанг билан юрадир, сочим(назм)да эса оғирлашиб қоладир [7.28]», деган хulosани исботлаш учун «Яна бироз ингичкарак қарағанда, бир шоир услубининг асарнинг мавзуига кўра ўзгарганини ҳам кўрамиз. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»идаги ўйнаб қайнаған услубини унинг «Лисон ут-тайр»идаги кўриб бўлмайдир. Бироқ бу ўзгаришлар асосий эмас [7.28]»лигини далил сифатида келтиради. Муаллиф ўз фикрларини давом эттирас экан, Навоий ва Чўлпоннинг услублари тизим-соҳим(наср-назм)да ё мавзусига кўра ўзгариши билан уларнинг ўзликлари (шахсиятлари) йўқолмаслигини таъкидлаб, Чўлпоннинг Чўлпонлиги, Навоийнинг Навоийлиги уларнинг тизим (наср) ва соҳим (назмий) асарларида мавзу ўзгаришга қарамасдан кўриниб туришини таъкидлайди [7.28].

Фитрат «Адабиёт қоидалари» кўлланмасининг «Форс-араб арузида тизим

шакллари» бобида тизмалар шаклларини тушунтиришда ҳазрат Навоий шеърларидан фойдаланади, жумладан, «Газал» тизмаси изоҳидан кейин Навоийнинг «Кимга қилдим бир вафоким, минг жафосин кўрмадим» матлаъли ғазалини келтиради [7.50]. Фитрат тизмалар шаклларини тушунтирас экан, уларга нисбатан ҳазрат Навоий билдириган фикрларга тўхталиб ўтади ва қуйидагиларни қайд этади: «Араб-форс арузини чиғатойча (ўзбекча) ёзган Навоий рубоий учун ҳазаж баҳрида йигирма тўрт вазн борлигини сўйлайдир... Түрк адабиётида рубоийнинг яна иккинчи бир шакли бор... «туюқ» дейиладир... Навоий туюқни рамал баҳридан деб кўрсатадир... Навоийнинг «Мезон ул-авзон»ида кўрсатилғонига кўра, туюқ учун тажнис албатта лозим эмас. Навоий бу ҳақда мана шундай дейдир: «Бириси туюғдирким, икки байтға муқаррардир. Ва саъй қилурларким, тажнис этилғай» («Мезон ул-авзон»). «Навоий «Мезон ул-авзон»да мустазод тўғрисида деган: «Ва яна ҳалқ оросида бир суруд (ашула) борким, ҳазажи мусамман вазнида унга байт боғлаб ҳар мисраъидан сўнгра ҳамул баҳрнинг ики рукнини бир қилиб суруд нағамотига рост келтирас эрмиш» («Мезон ул-авзон»). Навоийнинг шу сўзларидан мустазод шаклининг турк кўйларига тўғри келтириб ўкумок учун сўнгра тузулған бир шакл экани онглашилади [7.51-52]».

Жадид адабиётининг яна бир йирик вакили, шоир ва адабиётшунос Абдулҳамид Чўлпон ўзбек билим ҳайъатига «500 йил» номи билан мурожаат қилиб ёзган очиқ хати «Туркистан» газетасининг 1924 йил, 23 сентябрь сонида эълон қилинган.

Чўлпон ушбу очиқ хатида чиғатой (ўзбек) адабиёти ва тилига Навоийнинг қилган улуғ хизматини кўрсатиб, бу кунги янги ўзбек адабиёти ва унинг бу кунги содда шеваси (тили) ўша чиғатой шевасидан ўзгача эмаслигини таъкидлайди. Айрим илм кишиларининг Навоийдан анча кейин чиққан ўзбек адабиётшуноси Шамсиiddин Сомибекнинг усмонли (ҳозирги турк) адабиётининг энг улуғ вакили бўлган Фузулийни Навоийдан кейинга қўйиб, кўрсатишнинг ўзи ҳам Навоийнинг биргина ўзбек адабиётида эмас, умумтурк ҳалқи адабиётида ҳам ўзига яраша жой олганига гувоҳлик беришини фаҳр билан ёзади.

Машхур турк шоири, адаби ва мутафаккири Шамсиiddин Сомибекнинг усмонли (ҳозирги турк) адабиётининг энг улуғ вакили бўлган Фузулийни Навоийдан кейинга қўйиб, кўрсатишнинг ўзи ҳам Навоийнинг биргина ўзбек адабиётида эмас, умумтурк ҳалқи адабиётида ҳам ўзига яраша жой олганига гувоҳлик беришини фаҳр билан ёзади.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

Чўлпон 500 йилнинг ўзбек-чиғатой адабиёти тарихига аллақанча нарсалар берган, унда қанча ўзгаришлар ясаган жуда узун бир муддатлигини кўрсатиб, дунёда ўз адилларига беш-олти асрлик бир тарих яшата билган халқлар унча кўп эмаслигини таъкидлаб, ўзбек халқига ҳам шу бир йил орасида шундай катта бир шодлик, катта бир байрам ўтказишга тўғри келишини уқтиради.

Чўлпон руслар Пушкин таваллудининг ҳар беш йили учун ҳам катта байрамлар ўюшлиришларини, Фарбда эса бу хилдаги, яъни шоир ва адилларининг таваллуд кунлари каби байрамлар жуда катта тантаналар билан ўтказилишини таъкидлайди. Бундан келиб чиқиб, Чўлпон Навоийнинг 500 йиллигини тегишли даражада тантана билан ўтказишга ҳозирдан тайёрланишни бошлаш лозимлигини уқтиради ва бу йўлда қуйидаги чоратадириларни таклиф қилиб, ўзбек билим ҳайъатининг дикъатини шунга жалб қилади:

«1. Ҳозирдан бошлаб яралиқ кишиларимиздан бир ҳайъат ташкил қилиб, 500 йиллик байрамни мумкин қадар тантана билан ўтказиш ўйланини топмоқға ўшал ҳайъат вакил қилинсан.

2. Ҳайъат Навоийнинг босилмағон асарларини топиб, босдиришға лозим кўрулғонларини байрамгача босдириш чорасини кўрсун.

3. Навоийнинг мукаммал таржими ҳоли ёздирилсун.

4. Навоийнинг шеваларидан терма бир асар тузулуб, нафис қилиниб босдирилсун.

5. Навоий номига юқори ўқуш юртларининг адабиёт-тил факультетларида ўзбек талabalari учун стипендиялар очилсун.

6. Ўзбекистоннинг пойтахтида Навоийга ҳайкал тикилсун.

7. Баъзи бир ўзбек шаҳарларининг кўча исмлари Навоий отиға қўйолсун [8].

Чўлпоннинг Навоийнинг 500 йиллигини тегишли даражада тантана билан ўтказишга

тайёргарлик кўриш бўйича етти бўлимдан ташкил топган чора-тадбирлар баён қилинган таклифдан иборат очик хати чоп этилганидан икки ҳафта ўтгач, аниқроғи, «Туркестон» газетасининг 1924 йил, 8 октябрь сонидан равшан бўлишича, «улуг шоиримиз Навоий исмига Тошканда ҳеч бир кўча ёки бирорта маҳалла йўқлигини эътиборга олиб», Шайхонтахур даҳа Пуштибоғ маҳалла аҳолиси Эски шаҳар ижроия кўмитасига мурожаат этиб, маҳаллага Навоий исмини беришни сўраган. Бу маълумотни келтирган академик Н.Каримовнинг қайд қилишича, шу газетанинг 6 октябрь сонида «Ўзбек билим ҳайъатининг кейинги мажлисида Навоийнинг 500 йиллигини ўтказиш масаласи кўтарилган ва Чўлпон, Зеҳний, Элбек, Исмоилзода, Юсуф Калоновлардан иборат комиссия тузилган. Комиссияга «Фитрат афандининг яқин иштироки билан юбилей лойиҳасини тузиб, Билим ҳайъатига топшириши» вазифаси топширилган [4.5].»

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жадид маданияти вакиллари маънавий ҳаётда темурийлар даври адабиётининг чўққиси саналган Алишер Навоий ижодини ўзларига намуна билиб, ўзига сингдириш орқали янги адабиётни юксалтиришга йўл топдилар. Жадидчилар назарида, Алишер Навоий даҳоси ва ундан кейин яратилган маънавий хазинани ўзлаштирмасдан туриб янги адабиёт яратиш унинг жаҳон адабиётлари сирасига кўтарилиши мумкин эмас, деб қабул қилинди. Шунинг учун ҳам «Чиғатой гурунги» ва бошқа маданий-илмий муассасаларда дастлаб Навоий даври адабиёти, тили, илми ҳамда маданиятини ўрганишга чақириқ сезилади. Жаҳон адабиётida янги саҳифа яратган Навоий қалами жадидчилар учун замон тимсолига айланди. Жадидчилар бадиий адабиётда Навоий даражасида асар ёзишга чоғланганлар учун жаҳон адабиётининг намуналарини пухта эгаллашга чақирдилар.

### Адабиётлар:

1. Болтабоев X. Фитрат ва жадидчилик. – Т.: Алишер Навоий номидаги ЎзМКН, 2007.
2. Qosimov B. Abdurauf Fitrat. www.kh-davron.uz, 31.08.2014
3. Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. 1-том. – Т.: Фан, 1987.
4. Каримов Н. Ўзбекистонда навоийшунослик фанининг шаклланиши. ЎТА журнали. -2018 йил, 1-сон.
5. Восифий З. Бадойеъ ул-вақоे. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
6. Ойбек.Муқаммал асарлар тўплами. 14-том. Т., 1979.
7. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т., Ўқитувчи, 1995.
8. Чўлпон А. 500 йил. – [www.ziyonet.ziyo](http://www.ziyonet.ziyo) istagan qalblar uchun saytidan.

(Тақризчи: А. Сабирдинов – филология фанлари доктори).